

Яхшиликни унутиб юбориш айбдир!



11:35 / 15.03.2022 2947

Тоиф куни ниҳоятда оғир кечган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша куни жаннатни елкаларида кўтариб Тоифга бордилар. Тоифликлар иймон келтириб жаннатга киришини истадилар. Аммо уларнинг бошлиғи ибн Абди Ёлил Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Аллоҳ пайғамбар қилиш учун сендан бошқа кишини тополмадимми?!», деб масхара қилди, ҳамда аҳмоқлари ва ёш болаларини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ортларидан юбориб тошбўрон қилдирди. У кишини ёлғончига чиқарди, таналарини қонга беледи. Муборак қонлари оқди. Инсонлар қанчалар бешафқат! Аллоҳга қанчалар журъатли улар! Аллоҳ қанчалар Ҳалим!

Мусибат ёлғиз келмайди. Энг қаттиқ синовлар пайғамбарларга келади. Ҳолбуки, пайғамбарлар инсонларнинг саййиди ҳисобланишади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам янги синов олдида эдилар. Ҳали Тоифда олган оёқларидаги яра битиб улгурмаган эди. Қурайш у зот соллаллоҳу алайҳи васалламни Маккага киришларидан ман қилганида қалбларидан ҳам қон оқди. Суюкли Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам икки олов орасида қолдилар. Узоқдаги бегоналар даъватларини қабул қилишмади, яқиндаги қариндошлар у кишини қайтиб Маккага киришларини хоҳлашмади!

У зот соллаллоҳу алайҳи васалламга Маккага киришлари учун ҳимоячи зарур эди. Унинг ҳимояси остида Маккага киришлари керак эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мутъим ибн Адийнинг олдига бориб ундан ўзларини ҳимоясига олишини сўрадилар. У қабул қилди. Ўша кеча Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг уйида тунадилар. Эртаси тонг отгач, Мутъим ўзининг ўғиллари билан қилич яланғочлаб Каъбанинг олдига келди. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга қараб: «Истаганингча Каъбани тавоф қил!», деди.

Шунда Абу Суфён келиб Мутъимдан сўради:

- Сен ҳимоячимисан ёки унинг динига эргашдингми?

- Мен ҳимоячиман!

- Унда сенинг ҳимоянгни қабул қилдик. Муҳаммадни тинч қўямиз!

Шундан сўнг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир қанча вақт Маккада турдилар. Сўнгра ҳижратга рухсат берилди. Замон айланди. Орада Мутъим ибн Адий вафот этиб кетди. Сўнгра Бадр ғазоти бўлиб ўтди. Мусулмонлар унда ғалаба қозонишди. Қурайшнинг асирлари Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига олиб келинганида шундай дедилар:

«Агар Мутъим ибн Адий тирик бўлиб мана бу бузуқлар ҳақида менга гапирганида уларни унга берган бўлар эдим!».

Мушриклар урушдаги асирлар эди. Агар бошқа бировда уларни ўлдириш имконияти пайдо бўлганида ҳеч иккиланмаган бўлар эди. Аммо Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мутъим ибн Адийнинг яхшилигини эсладилар. Уни эътироф қилдилар. Саҳобаларга агар Мутъим тирик бўлганида ва у зотдан ўртага тушиб мушрик асирларни озод қилишларини сўраганида асирларни озод қилган бўлишларини айтдилар. Бу бировнинг қилган яхшилигининг эътирофидир!

Аслзода инсонлар бошқаларнинг қилган яхшиликларини унутишмайди. Яхшилик қилганлар бошқа дин ва бошқа миллатда бўлишининг қизиғи йўқ!

Шундай ҳолда кишида савол туғилади. Биз инсонларнинг яхшилигини билдикми? Уларнинг қилган яхшиликларини Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашиб вақти келганида қайтардикми ёки яхшиликни қабул қилиб олиб индамасдан кетиб юбордикми?!

Қулни занжирлар билан боғланади, озод инсонни эса яхшиликлар билан. Биз ҳурлар сафида бўлиб ўзимизга қилинган яхшиликни унутмаслигимиз лозим. Тўғри, яхшиликни қилган киши унинг ўрнига бадал кутмайди. Аммо бизнинг ўша яхшиликни унутиб юборишимиз айбдир!

Бир киши бир қизга совчи бўлиб келади. Унга қизнинг отаси шундай дейди: «Мен сенга қизимни фақирлигимдан ёки боқа олмаганимдан бераётганим йўқ. Бу Аллоҳнинг бандалари орасидаги қонуни экан. Кучинг етганича унга маҳр, уй-жой ва жиҳозларни бер. Агар сеники етмаса мен ҳам қараб турмайман!».

Тўй бўлиб ўтди. Куёв айтади:

«Биз йигирма йилдан бери бирга яшаяпмиз. Мен бирор марта хотинимни ранжитмадим. Ҳатто у мен билан жанжаллашганида отасининг қилган яхшиликлари ёдимга тушар, у ноҳақ бўлсада унга индамас эдим!».

Яхшилик бекорга кетмайди. Гарчи одамлар орасида бекорга кетсада, Аллоҳнинг олдида зое бўлмайди. Биз яхшиликни қилганда уни бизга қайтаришларини кутиб қилмаслигимиз лозим. Аммо бизга биров яхшилик қилганида уни қарз деб билишимиз керак. Бир умр унга ўша яхшиликни қайтариш фикрида юришимиз лозим. Ана шу пайғамбарлар хулқидир!

Абдулқодир Полвонов